



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 5 сентябрь, № 184 (7414) Пайшанба

Сайтимиғиз ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда бу борада ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилди. Соҳани бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди. 2019 — 2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгиловчи “Алпомиш” ва “Барчинои” махсус тестларини ўтказиш тизими жорий этилди.

Беш ташаббус ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида спорт объектлари ишга туширилиб, ёшлар спортга фаол жалб этилмоқда. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари голиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга беририлди, айримларининг спорт мактаблари очилди.

Ортимиз вақилари ўтган йилги Осиё ўйинларида жами 70 та, жумладан, 21 олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза медаллари қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса халқаро мусобақаларда жами 442 та, жумладан, 145 та олтин, 134 та кумуш ва 163 та бронза медал қўлга киритилди.

Йиғилишда бундан кейинги мусобақаларга пухта тайёргарлик қилиш, бунинг учун жойларда зарур шароит яратиш масалалари муҳокама этилди.

2020 йилда Токиода бўлиб ўтadиган XXXII эъги Олимпия ўйинларига тайёргарлик аҳоли қоникларига эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шароит яратишга

етарлича эътибор бермаётгани таниқилди.

Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги саралаб олинган спортчиларнинг яқин ойларида ўтказиладиган халқаро мусобақаларда юқори ўрин эгаллаб, Олимпиядага лицензия қўлга киритишлари учун янада кенг шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, моддий-техник база муҳим. Лекин натижани истеъдодли спортчи таъминлайди. Бундай ёшларни топиш учун эса кучли селекция тизими зарур.

Аммо жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси ҳозирча талабга жавоб бермайди. Мисол учун, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги 131 шахар ва туманда жорий йилги мусобақаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган. Ёки республика миқёсида ўтказилган 230 та мусобақада айрим шахар ва вилоят жамоалари умуман иштирок этмаган. Бу миллий тарма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис йиғилишда ҳудудлардаги ҳар бир спорт муассасасини ҳаттоки спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш юзасидан илмий излашлар олиб борилмаган. Бу соҳа-

да малакали мутахассислар ҳам йўқ. Кўпчилик атлетлар допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайди.

Спорт федерацияларининг бирортасида ҳам тарма жамоа аъзоларининг мусобақага тайёргарлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, тегишли вазирликларга спорт фармакологиясини ривожлантириш, спорт федерацияларида илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатлар таърибаси асосида Олимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш бўйича ягона марка барпо этиш тақлифи илгари сурилди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, аввало, умумтаълим мактабларидаги шароит, муҳит катта ўрин тутди. Лекин мактабларда ўқувчилар жамоавий спорт ўйинларига тўлиқ жалб этилмаяпти. 2 мингдан зиёд мактабларда спорт зали йўқ, 3 мингдан ортми эса таъмирталаб.

Спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ҳам камчи-

ликлар бор. Масалан, Тайлоқ, Шароф Рашидов, Бухоро, Учқўрғон, Денов туманлари, Наманган, Қарши ва Андижон шаҳарларидаги шундай мактабларда спорт зали, ётоқхона, ўқув бинолари етишмайди.

Болалар ва ўсмирлар, Олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг оила иш ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан деярли 2 баробар паст. Ўз навбатида, тренерларнинг 51 фоизи ўрта махсус маълумотга эга, 2 мингдан ортми олий маълумотли мураббийларга эҳтиёж мавжуд.

Олий таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари талабаларнинг қарийб 50 фоизини қамраб олиш имкониятига эга бўлса-да, амалда 21 фоиз талаба-ёшлар спорт тадбирларига қатнашмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича 12 мингдан ортми спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади. Яъни аҳолига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминланиш даражаси 4,5 фоиздан ошмайди. Хусусан, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 3,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида 3,5, Андижон вилоятида 3,7 фоиздир.

Бундай аҳволда спортни қандай қилиб оммалаштириш мумкин, дея савол қўйди Президент.

Йиғилишда шу каби муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Умумтаълим муассасаларида спорт объектлари қуриш ва таъмирлаш, уларни замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ихтисослаштирилган мактаб-интернат-

ларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпиада ташкил қилиб, уларда голиб бўлганларни олий таълим муассасаларига квотадан ташқари имтиёзли асосда қабул қилиш ҳамда уларга спорт тоифаси бериш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, бундай ёшларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари иш ҳақига қўшимча устама, юқори тоифа ва унвонлар бериш тақлиф этилди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш қамровини кенгайтириш, интенсив малака ошириш платформасини йўлга қўйиш, мураббийларга талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Олий таълим муассасаларини, имконияти ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир спорт турларига ихтисослаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш баробарида, спорт федерациялари билан ҳамкорлик орқали профессионал спортга маҳоратли ёшларни саралаш имконини беради.

Мутаассадларга олий таълим муассасалари ва туман (шаҳар)ларни аниқ спорт турларига ихтисослаштириш, юқори спорт натижаларига эришган ёшларни ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутаассадлари ва ҳокимлар ахборот берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 17 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2019 йил 24 августда маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда; 2019 йил, № 3, 162-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **96-моддада**ги «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга» деган сўзлар «қонунга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **117-модданинг** **тўртинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

(Давоми 2, 3-бетларда).

Маҳаллий Кенгашларда ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МАСАЛАЛАР ТАНҚИД ОСТИГА ОЛИНДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси бўлиб ўтди. Унда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 август куни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишида, шунингдек, 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида белгилаб берган вазифалари муҳокама қилинди.

Қорақалпоғистонда тадбиркорлик субъектларининг умумий сони 14 минг 346 тани ташкил этади.

Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Ёшлар бандлигини таъминлаш юзасидан қўрилган амалий чоралар натижасида жорий йилнинг 1 август ҳолатига 455 та лойиҳа ишга

туширилиб, 3 625 та иш ўрни яратилди.

Сессияда ўрганишлар мобайнида ер участкаларини ажратиш, қурилиш-мониторинг ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланishi борасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар мавжудлиги аниқлангани қайд этилди.



ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси видеоконференцада шаклида ўтказилди. Мажлисда парламент ишчи гуруҳи томонидан вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш натижалари, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни янада тараққий эттиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги уч йил давомида вилоят иқтисодиёти барқарор ривожлантапти. Қатор ижтимоий лойиҳалар рўйбга чиқарилиб, одамларга муносиб турмуш шароитларини яратиш беришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вилоятда 2019-2020 йилларга мўлжалланган ҳудудий инвестиция дастури доирасида жами 14,6 трлн. сўмлик 615 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Айни пайтда 401 лойиҳа бўйича тижорат банклари ва лойиҳа ташаббускорларининг 3,7 трлн. сўмлик маблағлари ўзлаштирилган.

Бугунги кунда 208 та лойиҳа ишга туширилиб, 4 мингга яқин иш ўринлари яратилган. Ҳудудда экспортга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг

ўтган даврида 175,7 млн. АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Бирок ҳудудда тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қатор муаммолар кўзга ташланмоқда. Тўғри, жорий йилнинг ўтган даврида 4 450 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари ташкил этилган. Аммо ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни етарли, деб бўлмайди. Мавжуд тадбиркорлик субъектларининг 1 минг 50 таси ёки 5,3 фоизи ўз фаолиятини тўхтатгани ана шундан далolat беради. Фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектлари, айниқса, Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Бухоро ҳамда Шифиркон туманларида нисбатан кўп.



Мактаб оstonасига энди-гана қадам қўйган жажжи ўқувчиларга даставвал “Президент совғаси” топширилди.

“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шiori остида ўтказилган илк дарсларда келажак сари инти-

КЕЛАЖАККА ҚАДАМ МАМЛАКАТИМИЗДА КАТТА ТАНТАНАЛАР БИЛАН ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Хусусан, ўқитиш сифатини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, педагогларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилаётгани эътибор этилди. Айниқса, жорий йилнинг 23 август куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан мактаб таълимига доир белгилаб берилган устувор вазифалар соҳани замон талаблари даражасига олиб чиқиш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш,

пировардида мамлакатимиз учун муносиб кадрлар тайёрлаш ишига янги чарча таъинлашнинг қайд этилди. Пойтахтимизнинг Мирзо Улughбек туманидаги 64-умумтаълим мактабига ҳам “Билимлар куни” тадбири кўтаринки руҳда ўтказилди. Мактаб узра янги рақам давлатимиз мадҳияси ҳар бир ўғил-қиз қалбига жонажон Ватанимиздан фахрланиш ҳиссини янада юксалтиргани билан бирга, уларни яқини ўқиб, илм чўққиларини забт этишга ундагани, шубҳасиз,

Кеча мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги йилнинг бошланиши муносабати билан “Билимлар куни” тадбирлари ўтказилиб, “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шiori остида Мустақиллик дарслари ташкил этилди.

Уларда юртимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан таълим тизимига, хусусан, мактаб таълимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Билимлар куни



Сенаторлар Мустақиллик дарсларида қатнашди

Анъанага кўра, янги ўқув йилининг илк сабоги мактабларда Мустақиллик дарси билан бошланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ўзлари ўқиган ёки ўзлари яшаётган ҳудуддаги мактабларда бўлиб, Мустақиллик дарсида қатнашдилар.

Парламент ҳаёти

Мактаб оstonасига энди-гана қадам қўйган жажжи ўқувчиларга даставвал “Президент совғаси” топширилди.

“Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафқуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болалиқдан миллий гурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканлиги ўқтирилди.

Учрашувларда сенаторлар ёшларга таълим тизимини олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида гапириб бердилар.

Мустақиллик дарсида ўқувчилар нафақат кенг маълумотларга эга бўлиши, балки ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам батафсил жавоб олишиди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ДУНЁ НИГОҲИ

Ҳиндистонлик экспертлар: «Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида шахдам одимламоқда»

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан Ҳиндистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва илмий доиралари вакиллари Ўзбекистондаги ислохотлар, узаро ҳамкорлик самаралари ҳақида муносабатларини билдиришмоқда. Қуйида улардан айримларининг дил сўзлари билан танишасиз.

Пради ГУПТА, Шарда университет ректори:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш бўйича имзолаган қарори бизнинг олий ўқув юртимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур университет жорий ўқув йилидан муҳандислик, бизнес ва табиий фанлар йўналишларида ўз фаолиятини бошлаганини алоҳида мамну-

ният билан айтиб ўтмоқчиман. Биз Ўзбекистон билан узаро манфаатли ҳамкорлик йўлига қўйганимиздан беҳад хурсандим. Ўзбек халқининг дўстона муносабатларидан жуда ҳам мамнуним.

Келгуси йилларда Андижон ва Тошкент шаҳарларида ҳам тиббиёт коллежлари ҳамда замонавий шифохоналар ташкил қилишни режалаштирганмиз.

Винод КУМАР, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида шахдам одимламоқда. Сўнгги йилларда қатор муҳим ислохотлар ҳаётига татбиқ этилди. Хусусан, 2017 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар, минтақавий ҳамкорлик янги маъмурият қисми, мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг тобора яхшиланиб бораётгани дунё ҳамжамияти томонидан Ўзбекистонга қизиқишининг янада орттишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик муносабатлари минг йиллик тарихга эга. Бугунги кунда ҳар икки

давлат раҳбарлари мазкур муносабатларни янада мустаҳкамлаш бўйича жиддий саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2018 йил октябры ва 2019 йил январь ойларида Ҳиндистонга амалга оширган ташрифлари чоғида эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларимиз учун тарихий аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу йилнинг январь ойида Самарқанд шаҳрида ташқи ишлар вазирлиги иштирокида ташкил этилган “Ҳиндистон — Марказий Осиё” мулоқоти минтақавий ҳамкорликнинг янги механизми сифатида муҳим роль ўйнайди.

Сирожиддин КУРАЙШИЙ, Ҳиндистон Ислам маданияти маркази президенти:

— Ҳиндистон Ислам маданияти маркази Ўзбекистоннинг қатор муассасалари билан маданий-маърифий йўналишида ҳамкорлик қилади. Бу йўналишларда меморандумлар имзоланган. Ўзбекистонлик ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга ошираётган ишларимиз мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишига ишонамиз.

Утган йили Ўзбекистонга ташриф буюриб, мамлакатининг бой маданияти, улкан тарихий мероси, самийи халқи билан яқиндан тани-

«Дунё» АА. Деҳли

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди»;

бешинчи – **ўнинчи қисмлари** тегишинча **олтинчи** – **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
саккизинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 417–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган 265–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2001 йил, № 9–10, 176-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи қисми** «шунингдек» деган сўздан кейин «оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **8-модданинг:**
учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган намунадаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;
3) **9-модда биринчи қисми учинчи хатбошисининг ва иккинчи қисми бешинчи хатбошисининг русча матнидаги** «ящиков» деган сўз «урн» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **10-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Референдум ўтказиладиган кунда ва референдумни ўтказишга бир кун қолганда ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди»;

5) **12-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Имзо варақасида референдумга қўйилаётган масаланинг таърифи бўлиши керак»;

6) **16-модда:**
биринчи қисмининг иккинчи жумласи «фуқаролар турган жойларда» деган сўзлардан кейин «қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи ва учинчи қисмларидаги «ваколатхоналари хузурида» деган сўзлар «дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Харбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум ушталари аниқ шу мuddатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида референдум ўтказишга қамда беш кун қолганда тузилади»;

7) **18-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси: Ўзбекистон Республикасида референдум ўтказиш учун ташкил этиладиган референдум ўтказувчи комиссиялар тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижроси устидан назоратни амалга оширади, унинг бир хилда қўлланилишини таъминлайди»;

референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлашни амалга оширади, референдумни ташкил этиш масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради, низоamlарни тасдиқлайди ва тушунтиришлар беради;

Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фойдаланишга доир фаолиятга умумий раҳбарликни ва бу фаолиятни мувофиқлаштиришни амалга оширади;

референдумни ўтказувчи округларни тузади;
Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида тузилган референдум участкаларини тегишли округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

референдумни ўтказувчи округ комиссияларини тузади, шунингдек уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;
референдумни ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

агар референдумни ўтказувчи округ комиссияларининг қарорлари ушбу Қонунга зид бўлса, ушбу қарорларни мустақил вараишда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади;

чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг референдумдаги кузатувчиларига мандатлар беради;
референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини референдумни ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, референдумни ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

сиёсий партияларнинг кузатувчилари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотларнинг кузатувчилари учун мандат намунасини белгилайди;

референдумда овоз бериш бюллетенларининг, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, референдум ўтказувчи комиссиялар баённоамаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуналари ҳамда шакллари, овоз бериш қутиларининг ва референдум ўтказувчи комиссиялар муҳрларининг намуналарини, уларни сақлаш тартибини белгилайди;

референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотларини ашилтади;

референдумнинг натижаларини аниқлайди ва референдум якунларини эълон қилади;

референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ва ҳаракатлари устидан ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

ушбу Қонуннинг талаблари бузилганлиги тўғрисидаги материалларни судга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширади;

хорижий мамлакатлардаги референдумларни кузатишда иштирок этади, шу жумладан халқаро ташкилотларнинг миссиялари таркибидан иштирок этади;

халқаро ташкилотларни, чет давлатларнинг сайлов органларини ва вакилларини референдумни кузатиш учун тақлиф этади;

референдумни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг идоровий архивларга топширилишини таъминлайди;

жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлайди ва ривожлантиради»;

8) **21-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ваколатхоналари хузурида» деган сўзлар «дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **22-модда:**
3-банди чиқариб ташлансин;

5-бандининг русча матнидаги «ящиков» деган сўз «урн» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **23-модда:**
қуйидаги мазмундаги **биринчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга ҳамда референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин»;

биринчи – **олтинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** – **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмининг русча матнидаги «Советов» деган сўз «Кенгашей» деган сўз билан алмаштирилсин;

11) **26-модданинг:**
тўртинчи ва бешинчи қисмлари қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхати асосида тузилади»;

олтинчи – **саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** – **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

олтинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкалари бўйича фуқароларнинг рўйхатлари маъмур муассасалар (идоралар) раҳбарлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади»;

12) **27-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз берувчи фуқароларнинг рўйхатлари овоз бериш кунига ўн кун қолганда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкаларда эса овоз бериш кунига етти кун қолганда ҳамма танишиши учун тақдим қилинади. Референдум ўтказувчи участка комиссияси рўйхат билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида фуқароларни хабардор этади.

Фуқароларга референдум ўтказувчи участка комиссияси биносида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали овоз берувчи фуқароларнинг рўйхати билан танишиш имконияти таъминланади»;

13) **29-модда** қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Овоз бериш бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкин»;

14) **31-модданинг биринчи қисмининг русча матнидаги** «ящики» деган сўз «урны» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **32-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш референдум куни соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка комиссияси референдум ўтказиладиган кунга қамда ўн кун қолганда фуқароларни хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари хузурида, харбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган референдум участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка комиссияси овоз бериш туганганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин»;

16) **33-модданинг русча матнидаги** «ящик» деган сўз «урну» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **35-модда:**
учинчи қисмининг русча матнидаги «ящик», «Ящики» деган сўзлар тегишинча «урну» ва «Урны» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи қисми чиқариб ташлансин;
олтинчи – **саккизинчи қисмлари** тегишинча **бешинчи** – **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;
бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Айрим фуқаролар солигининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган тақдирда, уларнинг илтимосига кўра референдум ўтказувчи участка комиссияси овоз беришни ана шу фуқаро турган жой бўйича, кўча овоз бериш қутиларидан фойдаланиб ташкил этади»;

олтинчи қисмининг русча матнидаги «переносной ящик» деган сўзлар «переносная урна» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) қуйидаги мазмундаги **35'-модда** билан тўлдирилсин:

«35'-модда. Муддатидан олдин овоз бериш

Референдум куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган овоз берувчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш референдумга ўн кун қолганда бошланади ва референдумга уч кун қолганда тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ комиссияси томонидан белгиланади ва фуқароларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Овоз берувчи муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун референдум кунда бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо)

кўрсатилган ариза асосида тегишли участка комиссиясидан референдумда овоз бериш бюллетенини олади.

Овоз берувчи референдумда овоз бериш бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг қамда икки нафар аъзоси хозирлигида овоз берувчи фуқаролар рўйхатига имзо қўяди.

Референдумда овоз бериш бюллетени махсус жиҳозланган аширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида овоз берувчи томондан тўлдирилади.

Овоз берувчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган референдумда овоз бериш бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимиланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади»;

19) **36-модда биринчи, иккинчи ва олтинчи қисмларининг русча матнидаги** «ящиков», «Ящики», «ящиках» деган сўзлар тегишинча «урн», «Урны», «урнах» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **37-модда:**
қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Референдум ўтказувчи участка комиссиясининг баённоамаларида акс эттирилган овозларни санаб чиқиш чоғида номувофиқликлар аниқланган тақдирда, референдум ўтказувчи округ комиссияси ўз мажлисида участка комиссиясига ушбу номувофиқликларни бартараф этишни тақлиф қилишга ҳақли»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;
учинчи қисмидаги «баёнда акс эттирилади» деган сўзлар «Баённомага киритилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **39-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси референдум ўтказилгандан кейин кўпи билан ўн кун ичида референдумда қабул қилинган қарорни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилади»;

22) **42-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ушбу мақсадлар учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.»

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Аxbоротномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда) **4-моддаси биринчи қисмининг 11-банди** қуйидаги мазмундаги **11 ва 12-бандлар** билан алмаштирилсин:

«11) умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари – овоз бериш ўтказиладиган биноларда акс эттирилади.»

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 768–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Аxbоротномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **3-моддасининг 10-банди** қуйидаги мазмундаги **10 ва 11-бандлар** билан алмаштирилсин:

«10) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган голлибларни муқофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида;

11) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари – овоз бериш ўтказиладиган биноларда соат 8.00 да ижро этилади.»

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 915–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРК–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда) **11-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи – ўн тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг аъзолари номзодлари бўйича тавсиялар тақдим этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилиш учун участка сайлов комиссияси аъзоларига номзодлар тақдим этади;

референдум ўтказувчи тегишли округ комиссияларига референдум ўтказувчи участка комиссиялари аъзоларига номзодлар тақдим этади;

сайлов комиссияларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар юборади»;

ўн учинчи – йигирма олтинчи хатбошилар тегишинча **ўн бешинчи – йигирма саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

Аxbоротномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2008 йил, № 12, 637, 640-моддалар; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **13'-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи қисмдаги «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи қисмдаги «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги 472–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 октябрда қабул қилинган ЎРК–502-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2018 йил, № 10, 678-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) **20-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига, Сенати аъзоллигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакилик органи депутатлигига сайланган (тайинланган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги 392–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилинган 669–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда)

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

◄(Давоми. Бошланғич 1, 2-бетларда).

1) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Қонунчилик палатаси (қўйи палата) худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланадиган бир юз эллик нафар депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг иши палата барча депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади»;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Қонунчилик палатасига сайлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси билан белгиланади»;

3) **12-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **16-модданинг учинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **18-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **IV бўли ном**и қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«IV. Фракциялар»;

8) **23 ва 24-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2-модда. Фракциялар тўғрисида

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатаси депутатининг фракцияга кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади.
Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракциянинг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Фракцияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби Қонунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

24-модда. Фракцияларни тузиш тартиби

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга.

Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак. Қонунчилик палатасининг мажлисида фракция раҳбари ёки бошқа вакили тегишинча фракция тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фракция тузилганиги тўғрисида қарор қабул қилади»;

9) **25-модданинг:**
номидаги «ва депутатлар гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи хатбошисидаги «ва депутатлар гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2, 5, 9-бандларидаги «депутатлар гуруҳи», «депутатлар гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **251-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи қисмидаги «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11) **26-модданинг:**
номидаги «ва депутатлар гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фракция фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- фракциянинг ўз ташаббуси билан;
- Қонунчилик палатасининг ваколат мuddати тугаганда;
- фракцияга кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган миқдор чегарасидан камайиб кетганда»;
- 28-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
- 35-моддадаги** «депутатлар бирлашмалари» деган сўзлар «фракциялари» деган сўз билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 162-модда, № 5, 261, 265-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **4-модданинг:**
бешинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони, қоида тарикасида, Қонунчилик палатасида тузилган фракцияларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳуқуққа эгадир»;
еттинчи ва саккизинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тарикасида, ўз фракциясининг раҳбари номзодини киритади.

Фракциядан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тахдирда, фракция ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш ҳуқуқига эга»;

3) **5-модданинг учинчи қисмидаги** «ёки депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **6-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **7-модданинг бешинчи қисмидаги** «депутатлар бирлашмаларининг» деган сўзлар «фракцияларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **9-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«9-модда. Фракциялар

Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция тузиш ҳуқуқига эга.

Қонунчилик палатасининг депутати фақат бир фракциянинг аъзоси бўлиши мумкин.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзолликни тўхтатиб туради ва фракция таркибига кириши мумкин эмас.

Фракция тузиш учун:
фракция таъсис йиғилишини ўтказиш;
фракцияни тузиш тўғрисида таъсис баённомасини қабул қилиш;

фракция раҳбарини сайлаш зарур бўлади.

Фракция раҳбари фракцияни тузиш тўғрисидаги таъсис баённомасини Қонунчилик палатасига тақдим этади ва фракция тузилгани ҳақида Қонунчилик палатасига ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Фракциялар ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилади.
Фракциялар фаолиятининг ташкилий шакли уларнинг мажлисларидир.

Фракциялар ишини мувофиқлаштириб бориш, Қонунчилик палатаси мажлисига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш, фракциялар нуктаи назарини келишиб олиш мақсадида фракциялар раҳбарларининг қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Фракциялар ўзлари қабул қилган қарорлар, шунингдек фракциялар раҳбарларининг қўшма мажлисларида қабул қилинган қарорлар ҳақида Қонунчилик палатаси Спикерига ва унинг Кенгашига ахборот берадилар.

Фракция фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:
фракциянинг ўз ташаббусига биноан;
Қонунчилик палатасининг ваколатлари мuddати тугаганда;
Фракцияга кирувчи кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;
тегишли сиёсий партия фаолияти тугаганда (тугатилганда).

Қонунчилик палатасининг ваколатлари мuddати тугашидан олдин фракциялар фаолиятининг тугатилиши Қонунчилик палатасининг қарори билан расмийлаштирилади»;

7) **91-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи қисмидаги «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **11-модданинг биринчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **13-модданинг биринчи – тўртинчи қисмлари** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери масъул кўмитани белгилайди, қонун лойихаси ҳамда унга илова қилинган материалларни масъул кўмитага ва, бир вақтнинг ўзида, фракцияларга топширади, шунингдек фракциялар томонидан фикрлар ва таклифларни ҳамда масъул кўмита томонидан хулосани тақдим этиш мuddатини белгилайди.

Қонун лойихасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш учун қонун лойихаси устида ишлаш фракциялар ва масъул кўмита томонидан бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Бунда фракцияларнинг қонун лойихаси бўйича фикрлари ва таклифларисиз масъул кўмита ушбу қонун лойихаси юзасидан ўз хулосасини чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

Масъул кўмита қонун лойихаси бўйича барча фракциялардан фикрлар ва таклифларни тўплаб, Қонунчилик палатаси Кенгашига қонун лойихасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида белгиланган мuddатда хулоса тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Кенгаши масъул кўмитанинг хулосаси асосида, фракцияларнинг фикрлари ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қонун лойихасини Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш тўғрисида ёки қонун лойихаси ушбу Қонун 12-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда уни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектига қайтариш ҳақида қарор қабул қилади»;

10) **14-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
учинчи қисмидаги «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11) **15-модданинг:**
иккинчи ва учинчи қисмларидаги «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
саккизинчи қисмидаги «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўнинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Фракциялар ўз дастурий мақсади вазифаларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларининг жойларда фуқаролар иштирокидаги муҳокамасини ҳамда улар бўйича келиб тушган таклифларни ўрганишни сиёсий партиялар тегишли ташкилотларининг ходимларини жалб этган ҳолда ташкил этади. Фракциялар ўрганишлари яқунлирга кўра келиб тушган фикрлар ва таклифларни ўз мажлисларида муҳокама қилади, ўз дастурий мақсадли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар ишлаб чиқади, улар масъул кўмитага юборилади»;

12) **16-модданинг иккинчи қисмидаги** «фракциялар ва депутатлар гуруҳларидан» деган сўзлар «фракциялардан» деган сўз билан алмаштирилсин;

13) **19-модданинг:**

учинчи қисмидаги «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларидаги «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

14) **20-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «(депутатлар гуруҳларига)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмларидаги «(депутатлар гуруҳлари)», «(депутатлар гуруҳларининг)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **22-модданинг олтинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

16) **26¹-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **31-модданинг иккинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги** «(депутатлар гуруҳларининг)», «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

18) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

19) **32¹-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

20) **32²-модданинг иккинчи қисмидаги** «депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **33-модданинг учинчи қисмидаги** «(депутатлар гуруҳлари)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

22) **33¹-модданинг иккинчи қисмидаги** «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

23) **33²-модданинг:**
иккинчи қисмидаги «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи қисмидаги «ва депутатлар гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

24) **33⁴-модданинг иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги** «ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

25) **33⁷-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»**ги 704–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **2-моддадаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модда биринчи қисмининг иккинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

4) **10-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон экологик ҳаракатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисидаги**» 706–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 10-модда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-моддадаги** «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 7-модданинг:
номи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7-модда. Депутатнинг сайловчилар билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан олиб борадиган ишлари»;

биринчи қисмидаги «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи қисмидаги «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган (сиёсий партия)» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»**ги 708–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда, 2018 йил, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаганлиги»;

2) **2-модданинг иккинчи қисмидаги** «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган органиниг (сиёсий партиянинг)» деган сўзлар «уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Депутатни чақириб олиш бўйича овоз беришни Марказий сайлов комиссияси депутатни сайлаш учун белгиланган тартибда ташкил этади»;

4) **6-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Овоз бериш уасткаларини ва комиссияларни тузиш, комиссияларнинг ваколатлари, сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш, овоз беришни ўтказиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади»;

5) **7¹-модда** чиқариб ташлансин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги УРК–88-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **2-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:
учинчи қисмидаги «ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар ҳам» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
тўртинчи қисмидаги «шунингдек Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРК–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 20

ЎЗ ВАҚТИДА ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МАСАЛАЛАР ТАНҚИД

ОСТИГА ОЛИНДИ

Тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини таъминлашга доир масалалари худудий бошқарув органларининг ваколатлари доирасида ўз вақтида ҳал этилмагани натижасида ўтган 8 ойда 519 та тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилгани ҳам танқид остига олинди.

Шу билан бирга, фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларига қайта иш бошлаши учун имкониятлар яратиб бериш, улар дуч келаётган тўсиқларни амалий кўмак билан бартараф этиш мақсадида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, ижроси учун масъуллар белгилаб олинди.

Ҳидоят АХМЕДОВ («Халқ сўзи»)

ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ

Шу нуқтага назардан, ҳокимликлар солиқ, статистика органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ҳар бир тадбиркорлик субъекти муаммоларини ўрганиб, уларнинг фаолиятларини қайта тиклашларига кўмаклашишлари лозимлиги қайд этилди.

Сессияда, шунингдек, кредитлашнинг бирламчи талаблари етарлича инобатга олинмагани, банклар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларнинг лозим даражада йўлга қўйилмагани бизнес ривожига тўсиқ бўлаётгани танқид қилинди. Камчиликлар оқибатида бугунги кунда вилоятда мuddада қайтарилмаган кредит ҳамда фойз тўловларидан жами 23 миллиард 300 миллион сўмлик муаммоли қарздорликлар юзага келган. Бундай ҳолат тижорат банкларининг молия-

вий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, маблағларни тадбиркорлик ривожига учун қайта йўналтириш имконини ҳам чекляпти. Вилоятда "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, айниқса, ёшлар тадбиркорлиги ва ташаббусларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлар самарадорлиги ҳам суғ экинлиги таъкидланди. 2019 йилга мўлжалланган мазкур Дастур ижроси шу кунга қадар атиги 33 фойз бажарилган, холос. Шунингдек, мажлисида эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолияти ҳам таҳлил қилиниб, ютуқлар билан бирга, қатор тизимли муаммолар учраётгани айтиб ўтилди.

Туманилик тадбиркор Азим Сатторов. — Шуни ҳисобга олиб, "Кобдин гуначлари" деб номланган боғча қўрилган. Мактабга таълим вазири билан тузилган битим ҳам қўлимда. Қурилиш ишларининг 35 фойзи ўз маблағим ҳисобига бажарилди. Аммо битимда кўзда тутилган 3,1 миллиард сўм миқдоридagi кредит маблағи ажратилгани йўқ. Йўғилишда иштирок этиб, мана шу масала ечимида кўмак сўрадим, амалий ёрдам бериладиган бўлди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»)

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ИЖОД МАКТАБИ УЧУН ЯНГИ БИНО ҚУРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг турли худудларида фаолият бошлаган ижод мактаблари иқтидорли ўқувчилар сафини кенгайтириш, улар иқтидорини тўғри шакллантириш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

Эзгулик

Бу йил уларнинг сафи яна учтага кўпайди. Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида Халима Худойбердиева, Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида Огаҳий ҳамда Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари очилди.

Қабул қилинди. Айни вақтда мактаб ўқувчилари Олмазор туманидаги 119-умумтаълим мактаби биносида таҳсил олмақда. Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармоишига мувофиқ, Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғида мазкур ижод мактаби биносининг қурилиш ишлари бошлаб юборилган.

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

«Ҳаж — 2019»: Мавсум ижобий натижалар билан яқунлади

Тошкент шаҳрида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Дин ишлари бўйича қўмита томонидан «Ҳаж — 2019» мавсуми яқунларига бағишланган брифинг ташкил этилди. Бу йил қарий етти минг нафар кишилар ҳаж сафарига бўлиб, ислом динининг бешикни арқонини адо этиб қайтди. Уларга ишчи гуруҳининг 200 дан зиёд аъзолари ҳамроҳлик қилиб, муқаддас ибодат рўқналарини тўла-тўқис бажаришлари учун яқиндан кўмак берди.

Брифинг

Бу йилги ҳаж мавсуми Президентимизнинг тавсиялари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида юқори савияда ташкил этилди, — дейди Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов. — Аввало, улғу зияратга борувчилар адолат мезони асосида сараланди. Бунда номзодларнинг ислом дини арқонларини библиши, маънавияти, маърифати ва одоб-ахлоқи билан бирга, маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлиши, жамоатчилик ишларида фаоллиги алоҳида эътибор қаратилди. Натижада республика бўйича 6970 нафар фуқаро ҳаж сафарига бориш учун тавсия қилинди.

Таъкидлаш керакки, бу йилги зияратчиларимизнинг аксариятини ёши улуглар ташкил этган бўлса-да, шифокор ва ошпазлар, ишчи гуруҳи томонидан ташкил этилди, — дейди Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Музаффар Комилов. — Аввало, улғу зияратга борувчилар адолат мезони асосида сараланди. Бунда номзодларнинг ислом дини арқонларини библиши, маънавияти, маърифати ва одоб-ахлоқи билан бирга, маҳаллада обрў-эътиборга эга бўлиши, жамоатчилик ишларида фаоллиги алоҳида эътибор қаратилди. Натижада республика бўйича 6970 нафар фуқаро ҳаж сафарига бориш учун тавсия қилинди.

Санд РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»)

КЕЛАЖАККА ҚАДАМ

— Қизим Солиҳа бугун биринчи синфга қадам қўйди, бундан чексиз қувончданман, — дейди Маъмура Жўраева. — Шу боис ўзгача ҳаяжон ила мактабга келдик. «Билимлар куни» тадбири жуда аҳойиб ташкил қилинибди. «Президент совғаси» ҳам унутилмас тўхта бўлди. Бу совға болаларимизнинг ҳам ёдида бир умр қолади, деб ўйлайман. Уларни яхши ўқишга ундайди.



Фарход АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Мустақиллик дарсида ўқувчиларга гўзал ва мафтункор юртимиз, давлатимиз рамзлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Шундан сўнг телевизор орқали Ватанимиз тарихи, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи махсус видеоролик намойиш этилди.

чикиб, фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида совринли ўринларни кўлга киритмоқда. Айниқса, жорий йилда ушбу илм масканининг бир қанча ўқувчилари Президент мактабига ўқиш учун кириш синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишга қабул қилинганлиги фахр билан тилга олинди. Тадбирда бошқа ёшларнинг ҳам ана шундай марраларга эришишлари учун эзгу тиллақлар билдирилди. Дарвоқе, бу йил ушбу мактабга 458 нафар бола 1-синфга қабул қилинди.

Ўқитувчим Шохиди опа билан кўришиб, у кишига гул бердим. «Асал қизим, барака топ, раҳмат!» деб юзларимдан ўйиб, бағрига босди. Кейин синф хонамизга кирсақ, бизга совға тайёрлаб қўйишган экан. Президентимиз совғаси экан! Шохиди очиб кўрдим, ичи тўла ўқув қуроллари, ҳамма нарса бор. Жуда хурсанд бўлдим, ҳамма хурсанд бўлди. Барчамиз бир овоздан «Раҳмат!» дедик. Энди астойдил ўқиймиз.

- Янги ўқув йилида мактаблар сони 213 тага кўпайиб, 9904 тага етди.
Жорий йилда 937 та мактабда инвестиция ва бошқа давлат дастурлари доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 2,86 триллион сўм маблағ сарфланди.
2019/2020 ўқув йилида 620 мингдан зиёд ўғил-қизлар илк бор мактаб оstonасига қадам қўйди.
Ўқув йилининг биринчи кунда 1-синфга чиққан барча ўғил-қизларга 12 турдаги ўқув қуролларидан иборат «Президент совғаси» топширилди.

365 та умумий ўрта таълим мактабига кўтаринки руҳда ўтказилиб, уларда вилоят, туман ва шаҳар сектор ҳамда вилоят қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари иштирок этди. Хусусан, вилоят ҳокими Қ. Турсунов Кармана туманидаги 21-мактабга таширф буюриб, Мустақиллик дарсини ўтди. Мамлакатимизнинг бошқа худудларида ҳам янги ўқув йилининг бошланиши — «Билимлар куни» катта тантана билан ўтказилди.

Шаҳноз ҒАФҲОРОВ, Темур ЭШБОЕВ («Халқ сўзи»)

ЭЪЛОНЛАР

Инновацион ривожланиш вазирилик олимларга жаҳоннинг юқори рейтингга эга нуфузли илмий журналларида мақолалар чоп этишларида ёрдам беради.
Инновацион ривожланиш вазирилик олимларнинг илмий мақолаларини жаҳоннинг юқори рейтингга эга нуфузли илмий журналларида чоп этишларига кўмаклашиш мақсадида «Proofreading Service» хизматини тақдим этади.
«Proofreading», бу — олимлар томонидан тайёрланган илмий мақола матнини юқори рейтингга эга бўлган журналлар талабларига мувофиқ таҳрир қилиш, ёзма инглиз тили матнини яхшилаш, имловий ва грамматик хатоликларни бартараф этиш асосида белгиланган техник талабларга мослаштириш хизмати.

Ушбу жойда СИЗНИНГ рекламанинг бўлиши мумкин эди!
«Халқ сўзи»даги Реклама — бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru, reklama@xs.uz

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ
бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.
Аукцион савдосига «COSCOM» МЧЖга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уйда сақланаётган, техник ҳолати соз куйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:
1. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 069 ZFA. Бошлангич баҳоси — 131 692 144 сўм.
2. 1999 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 872 VFA. Бошлангич баҳоси — 122 220 896 сўм.
3. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 873 VFA. Бошлангич баҳоси — 118 596 383 сўм.
4. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Mitsubishi pajero» русумли, давлат рақами 01 952 VFA. Бошлангич баҳоси — 123 755 854 сўм.
5. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 038 ZFA. Бошлангич баҳоси — 89 361 275 сўм.
6. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 085 ZFA. Бошлангич баҳоси — 89 382 349 сўм.
7. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 474 NDA. Бошлангич баҳоси — 89 469 226 сўм.
8. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 868 DEA. Бошлангич баҳоси — 87 109 786 сўм.
9. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 136 ZFA. Бошлангич баҳоси — 89 891 393 сўм.
10. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 144 ZFA. Бошлангич баҳоси — 88 907 219 сўм.
11. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 947 VFA. Бошлангич баҳоси — 89 795 505 сўм.
12. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 915 VFA. Бошлангич баҳоси — 89 425 230 сўм.
13. 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 916 VFA. Бошлангич баҳоси — 89 557 339 сўм.
14. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, «Hyundai tucson» русумли, давлат рақами 01 958 VFA. Бошлангич баҳоси — 87 109 786 сўм.
15. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Captiva» русумли, давлат рақами 01 914 VFA. Бошлангич баҳоси — 82 226 809 сўм.
16. 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Chevrolet niva» русумли, давлат рақами 01 982 VFA. Бошлангич баҳоси — 52 684 394 сўм.
17. 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz» русумли, давлат рақами 01 296 ZFA. Бошлангич баҳоси — 28 135 508 сўм.
Аукцион савдоси 2019 йил 10 сентябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2019 йил 6 сентябрь куни соат 18.00. Юқоридagi автотранспорт воситалари 2019 йил 10 сентябрь куни сотилмаган тақдирда тақдорий савдо 2019 йил 17 сентябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2019 йил 13 сентябрь куни соат 18.00.
Савдо ғолиби, деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотиди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «RMM» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.
Гувоҳнома №001805.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-79-52.

Халқ сўзи Народное слово
Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 721 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
Телефонлар: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6